

Инсон ва қонун



ҲАЙДОВЧИ ЖАРИМАДАН
ОЗОД БҮЛДИ

4-БЕТ

ҲУКМ БЕКОР КИЛИНДИ,
“АЙБДОРЛАР” ОКЛАНДИ

7-БЕТ

ҲЕЧ НАРСАНИ БИЛМАСЛИГИНИ
БИЛГАН БУЮК ДОНИШМАНД

8-БЕТ

www.hudud24.uz

2021 йил 27 июль
сешанба
№ 30 (1286)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнгги хабарлар
- ✓ Ҳукукий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар



■ Давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш билан боғлиқ мурожаатларга жавоб:

■ 2020 йил 25 мартағи Вазирлар Маҳкамасининг “Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди.

СУБСИДИЯ

БИР ОИЛАГА ФАҚАТ БИР МАРТА БЕРИЛАДИ

■ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига биноан Адлия вазирлиги ҳузурида давлат хизматлари агентлиги ташкил этилган.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА

БИРИНЧИ МАРОТАБА

“АВТОМОБИЛЬ ТАРИХИ”

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ЙУЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА



Мамлакатимизда фуқаролар ва тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш тизими босқич-ма-босқич ислоҳ қилиниб, қуай инвестициявий ва ишбилиармонлик мұхитини яратиш, ортича бюрократик тусиқтарни бартараф этиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида тизимли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

2-3 БЕТ



Бузилган савдо
дўконлари
учун ҳоқимлик

430
миллион сўм
компенсация
тўлади

КОГОН туманида
истиқомат қи-
лувчи бир гурӯҳ
фуқароларнинг
савдо дўконлари
маҳаллий ҳо-
қимлик томони-
дан ноқонуний
тарзда бузил-
ган. Мулкдорлар
ер участкалари
олиб қўйилган-
лигидан норози
бўлиб, бузилган
савдо дўконлари
учун компен-
сация уйдириб
бериш ва савдо
дўконларига
тeng миқдорда
ер майдони
аҳракатлишида
амалий ёрдам
сўраб туман
адлия бўлими-
га мурожаат
қилган.

4-БЕТ

■ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР
томонидан коммунал
тўловлар ўз вақтида тўлан-
маганлиги сабабли тўлов-
ларни ундиришга МИБ
ходимлари жалб этилди.
Шундан сўнг фуқаролар-
да бирмунча масъулият
хисси ошиди. Тўловларни ўз
вақтида тўлаш бирор изга
тушид. Аммо айрим МИБ
ходимлари одамларнинг
ишонувчанилигидан фой-
даланиб чўнгатини қап-
пайтиришга ўрганиб қо-
лишиди.

МИБ ХОДИМИ
ЎЗ КАСБИНИ
ЎЗГАРТИРАДИ



7-БЕТ



“ИНСОН ВА ҚОНУН”

ҲАР БИР ХОНАДОННИНГ
“ҲУКУҚШУНОСИ”!

Киши шифокорни кўрганда соғлиги ҳақида га-
рирганидек, юрист билан юзлашганда ҳукукий са-
воллар билан мурожаат қиласди. Адлия органлари
ходимларини ҳукукий беморликнинг шифокорлари
деб аташ мумкин. Халқнинг дардидни тинглар экан-
сиз, аксарият фуқароларнинг муаммоси ўзлари айт-
ганидек “ишининг ҳал бўлмаётганида” эмас, балки,
шу вазияттага бўлган жаёёнда қонуний жиҳат-
дан нотўғри ҳаракат қилгани, ўз вақтида ҳукукий
маслаҳат олмаганида эканини англиса мумкин. Ана
шундай қишилар билан сұхбатлашганда “аввалро
нега юристса мурожаат қилмагансиз?” деб сўрай-
ман. Жавоб эса одатда бир хил, ҳукуқшунос билан
гаплашши ўша маҳал ҳаёлларига келмаган ёки яқин
бир қариндоши, танишининг маслаҳати билан иш
тутган холос.

“Инсон ва қонун” газетаси саҳифаларини ва-
раклаганимдаги фуқаролар билан бўлган ана шундай
сұхбатларимиз, уларнинг адлия органларига қылган
мурожаатларни ёдимга тушади. Чунки бу газетада
ҳаётӣ ҳақиқатлар акс этган. Масалаларга ҳукукий
ечимнинг таклиф этилиши газетанинг фойдалилик
даражасини янада осириди. Назаримда, “Инсон ва
қонун” газетаси ҳар бир хонадоннинг ҳукуқшуноси
бўла олади. Қўшимча саволлар туғилганда эса газе-
тада кўрсатилган телефон рақамлар орқали таҳри-
рият билан bogланиб, уларнинг кўмагидаги республика
даражасидаги малакали юристлардан ҳукукий
маслаҳатлар олиш, ҳар қандай масалага ҳукукий
ечим топиш мумкин. Мен бу газетага оиласиз учун
обуна бўлдим. Сиз ҳам шошилинг!

Дилдора КАТТАЕВА,
Навоий вилоят адлия
бошқармаси масъул ҳодими



Бунёд АЗИЗОВ,

Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи

Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба “АВТОМОБИЛЬ ТАРИХИ” давлат хизмати йўлга кўйилмоқда

Мамлакатимизда фуқаролар ва тадбиркорларга давлат хизматлари қўрсатиш тизими босқичма-босқич ислоҳ қилиниб, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик мухитини яратиш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматлари қўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида тизимли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида жорий йил 24 июль куни Президентининг “Давлат хизматлари қўрсатиш инфратузилмасини тақомиллаштириш ва ахолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ғи Фармони қабул килинди.

Унга кўра, 2022 йил 1 январдан бирдан 6 турдаги давлат хизмати учун тўловлар миқдори кескин камайтирилди, 2 турдаги хизмат учун тўлов ундириш бекор килинди. Хусусий бандлик агентликлари реестрига киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг тегиши дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан амалга оширилган нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган герб бланкаси учун йигим ундириш бекор килинди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 ноңгра қадар “Электрон хукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаша ягона ахборот тизими (OneID) янги талқини ҳамда унинг мобил иловаси ишлаб чиқилди. Бу орқали давлат хизматidan фойдаланишда шахсни мобил алоқа телефоно орқали тасдиқлаш, давлат хизматларини кўрсатиш ҳолати тўғрисида абонентларга SMS-хабар юбориш имконияти яратилди.

Фармонининг 2-иоловаси билан 2021-2023 йилларда кўшимча 87 турдаги хизматни давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлari портала орқали кўрсатишни йўлга кўйиш белгиланди. Бунинг натижасида давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматларни сони 157 тадан 244 тагача ошиди.

Фармонининг 4-иоловасига мувофиқ вазирлиги идоралар фаoliyatini raqamlaشتirish ҳамда улар ўртасида электрон маълумот алмасини йўлга кўйиш ҳисобига 59 турдаги давлат хизматини кўрсатишни муддати ўртача 2 баравар қисқартирилмоқда.

2022 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида, 2022 йил 1 июлдан эса, бутун республика худудида тўлими марказларида бўлиши белгиланди. Конунчилик хужжатларида компо-

тўловлар белгиланмаган ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фойзидан кам миқдорда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

2022 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация ID-картасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хоирхаги биометрик паспортини расмийлаштириб бериш, давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширишини йўлга кўйиш белгиланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 ноңгра қадар “Электрон хукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялаша ягона ахборот тизими (OneID) янги талқини ҳамда унинг мобил иловаси ишлаб чиқилди. Бу орқали давлат хизматlari орқали яхшилаш борасида тизимли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Фармон билан давлат хизматларини кўрсатиши тартиби соддалаштирилмоқда. 59 турдаги давлат хизматини кўрсатиши муддати ўртача 2 баравар қисқартирилмоқда.

Бюрократияни йўқотадиган **МУХИМ ҲУЖЖАТ**

2022 йил 1 январдан 16 турдаги ҳужжат ва маълумотларни давлат орғанлари, ҳўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этиувчи ҳокимият орғанлари, давлат ташкилотлари томонидан ахолидан, тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш бекор қилинади.

Жумладан, қўйидаги фактларни тасдиқловчи маълумотларни талаб қилиш бекор қилинади:

- тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганини түгрисидаги гувоҳнома маълумотларини;
- лицензия, руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва харномалар қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома мавжудлиги бўйича маълумотларни;
- давлат божи, йигимлар ва бошқа тўловлар тўланганлиги тўғрисида маълумотларни;
- қимматли қоғозлар, қимматли қоғозлар билан амалга оширилган операциялар, дивиденdlар олингандаги тўғрисидаги маълумотларни;
- кам таъминланган оила ёки оила аъзоси сифатида рўйхатга олингандаги маълумотларни;
- жисмоний шахслар томонидан тўланган ва олинган алиментлар тўғрисидаги маълумотларни;
- олий маълумот тўғрисидаги диплом маълумотларни;
- жисмоний шахс ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мусасасини тутгатгандаги ҳақида маълумотларни;
- жисмоний шахс умумий ўрта таълим (11-сinf негизида) мусасасини тутгатгандаги ҳақида маълумотларни;
- фуқаро "Ёшлар дафтари" ёки "Аёллар дафтари"да мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни;
- ўзини ўзи банд қилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни;
- олий таълим мусасасаларига ўқишига кириш учун имтиёзга эга бўлган абитуриентларнинг имтиёз ҳукукини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотларни.

2022 йил 1 январдан ахолидан, тадбиркорлик субъектларидан қўйидаги ҳужжатлар — молизий ҳисоботлар нусхалари, жисмоний шахсларнинг охирги 12 ойдаги иш ҳақини тасдиқловчи маълумотномалар, иктимий нафақа ва пенсиялар тўланганлиги тўғрисидаги маълумотномаларни талаб қилиш бекор қилинади.

Давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатища, ишга қабул қилиш жараённida ва бошқа маъмурлий тартиб-таомилларни ушбу 16 турдаги ҳужжат ва маълумотларни мустақил равишда "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграцияни таъминлайди.

Фармон билан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зинмасига электрон маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш, маълумотларни рақамлаштириш, маълумотларни таъминлайди. Шу бўлган вазирлик ва идораларро интеграциялашув платформасига интеграцияни таъминлайди.

Бўлган давлат органлари ва ташкилотлари ҳам тасдиқланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 январга қадар ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда ўзларининг идораий ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган ахборот ва маълумотларнинг "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграцияни таъминлайди.

Фармон билан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зинмасига электрон маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш, маълумотларни таъминлайди. Шу бўлган вазирлик ва идораларро интеграциялашув платформасига интеграцияни таъминлайди. Шу бўлган вазирлик ва идораларро интеграциялашув платформасига интеграцияни таъминлайди.

юқлатилган.

2022 йил 1 январдан сўнг мазкур бандда кўрсатилган ҳужжат ва маълумотларнинг давлат орғанлари ва ташкилотлари томонидан ахолидан талаб қилиниши давлат хизматлари кўрсатиши соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бушиб деб хисобланади.

Шу сабабли, ушбу вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўзларининг ҳужжатлари ва маълумотларини тўлиқ рақамлаштиришлари ҳамда уларни "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграцияни таъминлайди.

Фармон билан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зинмасига электрон маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш, маълумотларни таъминлайди. Шу бўлган вазирлик ва идораларро интеграциялашув платформасига интеграцияни таъминлайди.

Фармон билан давлат хизматларини кўрсатиши тартиби янада соддалаштирилди. Хизмат кўрсатсанлик учун ундириладиган айрим тўловлар қисқартирилди. Шунингдек, I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатища қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилди.

Мазкур Фармонга кўра, 2021 йил 1 ноябрдан "Иктиномий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гурух ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатища қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилди.

2021 йил 1 октябрьга қадар бюджетдан ташкиари Пенсия жамғармаси ва Тиббий-иктиномий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда "Иктиномий ҳимоя ягона реестри" ҳамда "ТМЭК" ахборот тизимида ЯИДХП билан интеграцияни таъминлайди. Бу орқали, давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали давлат хизматлари кўрсатилишида тўловлар бўйича имтиёзга эга бўлган шахсларни реал вакт режимида аниқлаша ва тўлов микдорини автоматик тарда белгилаш тизими яратилади.

Ушбу механизмининг жорий этилиши фуқаролардан ортича ҳужжатлар талаб қилинишининг олдини олади, хизматдан фойдаланишдаги нафаб кутишларни камайтиради. Бу билан турли коррупцион ҳолатлар юзага келишининг ҳам олди олинади. Натижада ахолига кўрсатиләтган хизматларнинг тезкорлиги ошади, уларнинг шаффофлиги таъминланади.

БАРЧА РАҲБАРЛАР БИЛИШИ МУХИМ!

Малака сертификатларини бериш, АТТЕСТАЦИЯдан ўтказишида янгилик



Жорий йилнинг 24 июль куни
Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат хизматлари кўрсатиши инфратузилмасини таомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 6269-сонли Фармони қабул қилинди.


Фармон билан жисмоний шахсларга айрим фаолият турлари билан шугулланиши ҳуқукини берувчи малака сертификатларини бериш ҳамда уларни ушбу мақсадда аттестациядан ўтказиши тартиби жорий этилмоқда. Хусусан, 2022 йил 1 январдан бошлаб:


- малака сертификатларини бериш ва аттестациядан ўтказиш учун мурожаатлар электрон шаклда қабул қилинади;
- малака сертификатларини бериш учун ўтказиладиган имтиҳон жараёнлари узлуксиз видеотасвирга (овозли) туширилади, видеотасвир камиди бир йил сақланади;
- малака сертификатларини бериш ва аттестациядан ўтказиш учун жисмоний шахслардан ундириладиган тўловлар давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йигимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади;
- талабгорлардан имтиҳон олишида саволлар тест кўринишида компьютер воситаси орқали олинади ва натижаси шу вақтнинг ўзида маълум қилинади (аплоҳда иктидор ҳамда амалий синовлар талаб этиладиган йўналишлар бундан мустасно);
- малака сертификатлари ва аттестация гувоҳномаларини расмий бланкаларда расмийлаштириш амалиётидан воз кечилади ҳамда малака сертификатлари ва аттестация гувоҳномалари QR-код ўйилган ҳолда расмийлаштирилади;
- малака сертификатлари ва аттестация гувоҳномаларини расмий бланкаларда расмийлаштириш амалиётидан воз кечилади ҳамда малака сертификатлари ва аттестация гувоҳномалари QR-код ўйилган ҳолда расмийлаштирилади;

Шу сабабли, ушбу механизми вазирлик ва идоралар раҳбарлари билишлари ҳамда 2022 йил 1 январга қадар ўзларининг ичкӣ тартиби-коидаларини кайта кўриб чиқиб, Фармон талабига муваффақиятларни, тегишли ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУХТОЖ, I VA II ГУРУХ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРГА 50 ФОИЗЛИК ЧЕГИРМА





ФУҚАРО Н.Х. Молия вазирлиги ҳузыридаги бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси Сергели туман бўлимига имтиёзли асосда ёшга доир пенсияга чикиш учун барча керакли ҳужжатларни илова қылган холда ариза билан мурожаат килган. Аммо "Radiks" МЧЖ таблетка цехида аппаратчи лавозимидаги ишлаган даврон имтиёзли давр сифатида тўлиқ инбатта олинмаган. Туман адлия бўлимига мурожаат килиб, заарарли ишда ишлаган даврини юридик факт сифатида белгилашда амалий ёрдам сўраган.

ФУҚАРОГА ИМТИЁЗЛИ АОССДА ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ РАД ЭТИЛГАН

Анкланишича, фуқаро Н.Х.нинг 2021 йил 11 февралги кадар умумий меҳнат стажи 26 йил 5 ой 9 кундан иборат, шундан "Radiks" МЧЖ таблетка цехида аппаратчи лавозимидаги ишлаган даврон имтиёзли давр сифатида тўлиқ инбатта олинмаган. Туман адлия бўлимига мурожаат килиб, заарарли ишда ишлаган даврини юридик факт сифатида белгилашда амалий ёрдам сўраган.

Ариза муваллифи 2021 йил 11 февралда Бюджетдан ташкари Пенсия жамғармаси Сергели туман бўлимига имтиёзли асосда ёшга доир пенсияга чикиш учун ариза билан мурожаат килган. Бирок комиссия қарорига кўра, имтиёзли пенсия олиш ҳукукини берувчи ишчи ўринлари аттестациялари ва корхона томонидан имтиёзли ишда ишлаганини ҳолатини тасдиқловчи маълумотлар ўртасида тафову бўлганинига сабаби имтиёзли асосда пенсия тайинлаш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўгрисида"ти Қонуннинг 7-моддасига мувоғик, ёшга доир пенсия олиш ҳукукига:

- эрзаклар — 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камидан 25 йил бўлган тақдирда;
- аёллар — 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камидан 20 йил бўлган тақдирда ега бўладилар.
- Ушбу қонуннинг 12-моддаси "б" бандига кўра, меҳнат шаронти зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомидаги банд бўлган ходимлар (3-сонни рўйхат, I кисм):
- эрзаклар — иш стажи камидан 25 йил бўлиб, бундан камидан 12 йилу 6 ойн кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;
- аёллар — иш стажи камидан 20 йил бўлиб, бундан камидан 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Меҳнат шаронти зарарли ва оғир ишларда — эрзаклар камидан 6 йилу 3 ой, аёллар камидан 5 йил — ишлаган ходимларга пенсия ушбу қонуннинг 7-моддасига назарда тутилган пенсия ёши эрзакларнинг бундай ишлари ҳар 2 йилу 6 ой учун ва аёлларнинг бундай ишлари ҳар 2 йили учун 1 йилга кискартилган ҳолда тайинланади.

Олий суд Пленумининг "Давлат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалийти тўгрисида"ти 2017 йил 29 ноябрдаги қарорининг 5-бандига биноан, иш ўринларининг аттестация қилинганини тўгрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмагандага, ўта зарарли ва ўта ҳавфни меҳнат шаронтиларида ишлаганини фактий белgilashni ҳакидаги ишлар судда кўрилиши мумкин.

Юкоридагиларга асосан, туман адлия бўлими томонидан фуқаро Н.Х.нинг зарарли ишда ишлаган даврини имтиёзли шартлар асосида ишлаганини фактий деб белgilashni сўраб, фуқаролига ишлари бўйича Яккасарой туманларда судига давло ариза кирилтили ва суднинг ҳол килув қарорига кўра, ариза мувалифининг 11 йил 1 ой 9 кунлик иш даврини имтиёзли шартлар асосида ишлаганини фактий тасдиқланди.

Зулхумор БАЛТАБЕАВА,
Сергели туман адлия бўлими бош
маслаҳатчisi



Бузилган савдо ДЎҚОНЛАРИ учун ҳокимлик **430** миллион сўм компенсация тўлади

КОГОН туманида
истиқомат қи-
лувчи бир гурӯҳ
фуқароларнинг
савдо дўқонлари
макаллий ҳо-
кимлик томони-
дан ноконуний
тарзда бузилган.
Мулқдорлар ер
участкалари
олиб қўйилган-
лигидан норози
бўлиб, бузилган
савдо дўқонлари
учун ҳокимлик
микдорда ер
майдони ажрат-
лишида амалий
ёрдам сўраб,
туман адлия бў-
лимiga мурожаат
килган.

Мурожаатлар туман
адлия бўлими томонидан ўрганилганда, Бухоро вилояти ҳокимининг 2017 йил 22 майдаги "Бухоро
вилоятидаги "Етти пир"
зиёратдоҳо мажмуалари-
дан "Баҳоуддин Нақш-
банд" мажмусини қайта
реконструкцияни килиш
ҳакида"ги фармойни ва
Когон туман ҳокимининг
2017 йил 3 аугустдан
тегишли карорига асосан
мазкур худудда марказий
автотуарроҳи во милий
хунармандлик растан-
лари куриш учун мазкур
бино-иншо бузилган
бўлса-да, ер эгасининг
ролиги олиммаганини ва
ердан фойдаланувчи ҳамда
ижарага олувчи билан ке-
лишув бўйича тегишил ра-
вишда туман ҳокимининг
карори чиқарилмаганини
аниклианди.

Ваҳоланки, Вазирлар
Махкамасининг 2006 йил
29 майдаги 97-сонли қа-
рори билан тасдиқланган
"Давлат ва жамоат эҳтиёж-

лари учун ер участкала-
рининг олиб қўйиши
муносабати билан фуқаро-
ларга юридик шахсларни
кошлап тартиби тўғри-
сида"ги Низомда (ўша
вактда амалдади бўлган)
ер участкаси ёки унинг
бир кисмни давлат ва
жамоат эҳтиёжлари учун
олиб қўйиш ер эгасининг
ролиги билан ёки ердан
фойдаланувчи ва ижарага
олувчи билан келишу-
вўйича — тегишил ҳоким-
ликларнинг карори бўйича
ёхуд Вазирлар Махкамасин-
нинг қарорига кўра амалга
оширилиши белgilangan.

Аммо туман ҳокимлиги
томонидан мулқдорлар
хабардор килинмаган ва
уларга тенг ҳокиматни янги
ер участкаси ҳам, компен-
сация ҳам берilmagan.

Юкоридагиларга асо-
сан, туман адлия бўлими
томонидан ўтган йилнинг
декабр ойидаги туман
ҳокимлиги тақдимно-
ма кирилган бўлсада,

ҳокимлик томонидан мулқ-
дорларга тенг микдорда
ер участкаси ажратиш
ва компенсация тўлаш
масаласи ҳал килинмаган.
Шундан сўнг туман адлия
бўлими томонидан мулқ-
дорларнинг мафтаатини
кўзлаб, уларга ер участкаси
ажратиш ва компенсация
тўлаш мажбуриятини
юклashi ҳакида фуқаролик
ишилар бўйича Когон
туманлардо судига даъва
ариза кирилтилди.

Шунга биноан, суднинг
тегишил ҳакида килингани
кабул килиниб, мулқдор-
лар фойдасига жавобгар
Когон туман ҳокимлигидан
компенсация ва бошқа
харажатлар учун жами
429 миллион 587 минг
859 сўм ундириладиган
бўлди ва бузилган сав-
до дўқонлари ер майдонига
тенг ер участкаси ажратиш
мажбурияти юкланди.

Ҳабиб ҚОРЁГДИЕВ,
Когон туман адлия
бўлими бошлиғи



ҲАЙДОВЧИ ЖАРИМАДАН **030Д** бўлди

ФУҚАРО Б.А. Қорақалпогистон
Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Иўл ҳаракати ҳаҷвасизли бошқар-
маси инспектори томонидан тиёдага
иўл бермаганини бўйича тўхтатил-
ган. Маймурий жазо чоралари кўлла-
нилган ёки йўқдигини текшириш учун
деб планшетга бармоқ бостирган ва
унда ёжарма белgilangan. Бундан но-
розда бўлган фуқаро Қорақалпогистон
Республикаси Адлия вазирлигига мур-
ожаат қилган.

Анкланишича, фуқаро Б.А.га
нисбатан расмий
лаштирилган маъмурий ҳукукбизарлик
ишининг конунийлиги ўрганиланганда,
Маймурий жавобгарлик тўғрисидаги
кодекснинг 245, 303, 303¹, 307 ва
308-моддаларида белgilangan талаб-
лар асосида маъмурий ҳукукбизарлик
тўғрисидаги ишларни кўриб чикиши
вактида баённома юритилмаганини, ишни
объектив ва холосига ҳол килинган
маъмурнома имзо чекканлиги, унинг
ҳукукбизарлик фактини инкор этилас-
лигини англатаслиги, ҳукукбизар
ҳукукбизарлик фактини инкор этиган-
да, ҳар кандай маъмурий ҳукукбизар-
лик тўғрисидаги ишлари судларга
таалукли маъмурий жавобгарлик
картилаётган шахс ҳукукпенинг
бузилиши маъмурий жавобгарлик
картиши тўғрисидаги карори бекор
килиши учун асос бўлиши кўрсатилган.

Шунингдек, Олий суд Пленуми-
нинг 2018 йил 30 ноябрдаги "Судлар
томонидан маъмурий ҳукукбизарлик
тўғрисидаги ишларни кўриши тар-
тиби" солувчи конунларни кўллаш-
нинг айрим масалалари тўғрисида"-
ги карорига, ҳукукбизар маъмурий
баённомага имзо чекканлиги, унинг
ҳукукбизарлик фактини инкор этилас-
лигини англатаслиги, ҳукукбизар
ҳукукбизарлик фактини инкор этиган-
да, ҳар кандай маъмурий ҳукукбизар-
лик тўғрисидаги ишлари судларга
таалукли маъмурий жавобгарлик
картилаётган шахс ҳукукпенинг
бузилиши маъмурий жавобгарлик
картиши тўғрисидаги карори бекор
килиши учун асос бўлиши кўрсатилган.

Шунингдек, Қорақалпогистон
Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
кирилган тақдимнома асосида ЙХХБ
бўлган бошлиғи Р.С. томонидан
Маймурий жавобгарлик тўғрисидаги
кодекснинг 128-моддаси 1-кисмida
назарда тутилган ҳукукбизарлик содир
килинганини аниклиниб, 122 минг
500 сўм миқдорида жарима маъмурий
жазо чораси кўллаш тўғрисидаги карор
килиши учун асос бўлиши кўрсатилган.

Амангельди АБАТОВ,
Қорақалпогистон Республикаси
Адлия вазирлиги масъул ходими



ТОШКЕНТ

УЧТЕПА туманидаги 16-сон Болалар муз-
сика ва санъат мактаби ҳодимларнинг мав-
жуд малака тоифалари учун тўланимай қолган
кўшичма иш ҳакини ундиришада амалий ёрдам
бўлими томонидан ўрганилди.



Урғаниши жараёнида мактаб директорининг 2019 йил 24 августидаги "Ходимларга тоифа бўйича ҳак тўлаш тўғрисида"ти бўйруги билан мактабнинг 16 нафар ўқитувчига малака тоифалари бўйича иш ҳаки тўланиши вактичча тўхтатилганлиги, туман адлия бўлимида мурожаат килган педагог кадрларнинг аттестацияга жалб этилмаганини, 9 нафари пенсия ёшида эканлиги ва барчасининг тоифалари мавжудлиги мъалым бўлди.

Ваҳоланки, Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сонли қарор билан тасдиқланган "Мактабчага, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва мактабдан ташкари давлат таълим мусассасалари педагог кадрларнинг аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида"ти Низомнинг 7-бандига мувоғик, мактабчага, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва мактабдан ташкари таълим мусассасаларнинг пенсия ёшида бўлган педагог кадрлари аттестацияга ўз хошигина кўра жалб этилади.

Аттестацияга жалб этилмаган педагог кадрларнинг мавжуд малака тоифалари ва лавозимлари таълим мусассасаларнда ишлаган даврида сакланиб колади.

Бирок, мактаб директорининг 2019 йил 24 августидаги "Ходимларга тоифа бўйича ҳак тўлаш тўғрисида"ти бўйруги конун ҳуҷжатларни зид равишда кабул килиниб, педагог кадрларнинг мавжуд малака тоифалари бўйича иш ҳаклари тўлаб берилиши таълим мусассасаларнинг пенсия ёшида бўлган педагог кадрлари аттестацияга ўз хошигина кўра жалб этилади.

Мактаб директорининг 2019 йил 24 августидаги ноконуний бўйруги бекор килинди. Тўланмасдан колган жами 83,2 миллион сўм маблагъда иш ҳосиб-китоб килган холда тўлиқ тўлаб берилиши таълим мусассасаларнинг кирилтилди.

Натижада мактаб директорининг 2019 йил 24 августидаги ноконуний бўйруги бекор килинди. Тўланмасдан колган жами 83,2 миллион сўм маблагъда иш ҳосиб-китоб килган холда тўлиқ тўлаб берилиши таълим мусассасаларнинг кирилтилди.

КЕНГАШ ҚАРОРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Ер кодексининг 24-моддаси тўққизинчи кисмiga мув-
кип, ер участкаларни ижарага олиш шартномасини
муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келиши-
ви билан, бундай келишиувга эришилмаган тақдирда эса
суннинг ҳол килув қарори билан амалга оширилиши
белgilangan.

Шунга асосан, Сурхондарё вилоят адлия бошқар-
маси томонидан "Фермерга мадал" акцияси доирасидаги
халқ депутатлари Узун туман Кенгашининг юкорида
кайд этилган қарорининг "Замин Султон Барака" фер-
мер ҳўжалиги мафтаатларига зид бўлган ва конунчилик
ҳужжатлari таалабларига риоа этилмасдан кабул килин-
ган кисмни бекор қилиш юзасидан ҳолк депутатлари
Сурхондарё вилоятга Кенгашига хат кирилтилди.

Натижада "Замин Султон Барака" фермер ҳўжалиги
ҳукуклари тикланиб, у билан тузилган ижара шартно-
маси ўз кучида колди.

Хусан НОРКОБИЛОВ,

Узун туман адлия бўлими бошлиғи

Отабек НЕГМАТОВ,

Учтепа туман адлия бўлими бошлиғи

Давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш билан боғлиқ мурожаатларга жавоб:

СУБСИДИЯ

БИР ОИЛАГА ФАҚАТ БИР МАРТА БЕРИЛАДИ



ПРЕЗИДЕНТИМИЗИНГ 2017 йил 12 декабрдаги "Ахорлига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Қарорига биноан Адлия вазирларги хузурида давлат хизматлари агентлиги ташкил этилган.

Қорақалпостон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Агентликнинг бошқармалари фаолияти йўлга кўйildi.

Хозирда Агентлик томонидан 205 та марказда 153 та давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Агентлик ҳамда унинг ходимлари устидан шикоят, ариза, таклифлар бўлса, Агентликнинг ўзига ёки ҳудудий бош-

кармаларига, шунингдек, 1148 қиска рақамига ёки +99871 207-00-66 телефон рақамига, info@davxizmat.uz почтасига мурожаат қилиши мумкин.

Адлия вазирларги тизими-даги, жумладан, адлия бошқармалари ва бўлимлари, нотариал идоралар, давлат хизматлари марказлари, ФХДЭ органлари ва юридик таълим мусассасаларидағи коррупция ҳолатлари ҳақида маълумотларни телеграмдаги @antikorbot ботига, 1008 "Ишонч телефони"га ёки вазирлик расмий веб-сайтидаги маҳсус платформага (<http://www.minjust.uz/uz/anticorruption/feedback>) юбориш мумкин.

2020 йил 25 марта Вазирлар Маҳкамасининг "Уй-жой

сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг мақсади ахолини ижтимоий кўллаб-куватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларни яхшилашга муҳтоҳ бўлган оиласлар, оғир ижтимоий вазияти тушиб қолган хотин-қизлар, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар ва шу тоғфадаги бошқа аҳоли қатламларига кўмаклашиш ва уй-жой шароитларни яхшилашга муҳтоҳ оиласларни давлат томонидан кўллаб-куватлашда манзиллилар ва шаффофликни таъминлашдан иборат.

ҚАРОР БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН НИЗОМГА МУВОФИҚ:

- уй-жой сотиб олишга ипотека кредитининг бошланғич бадали ва (ёки) фоизларининг бир қисми Республика Давлат бюджети маблағлари хисобидан қоплаб берилади;
- уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҳ бўлган фуқаролар томонидан субсидия олиш учун ариза берилади, ариза берувчи ижтимоий мезонлар бўйича баҳоланади;
- туман (шаҳар)да уй-жой сотиб олиш учун субсидия тўлана-диган талаборларни танлаш бўйича комиссиялар фаолияти ташкил этилади ва ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш натижалари кўриб чиқлади;
- сотиб олинадиган уй-хойларни аниқлаш, ажратиладиган ипотека кредити бўйича субсидияни ҳисоблаш, ипотека кредитини расмийлаштириш ва субсидияларни тўлаб бериш тартиби белгиланди.

СУБСИДИЯ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

- уй-жой шароитини яхшилашга муҳтоҳ бўлган оиласлар;
- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар;
- мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этадиган ёшлар ва шу тоғфадаги бошқа Ўзбекистон фуқаролари.

Субсидия олиш учун фуқаро 18 ёшга тўлган бўлиши керак. Мехнат мигрантларининг номидан оила аъзолари ҳам ариза берishi мумкин.

СУБСИДИЯ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ КИМЛАРГА БЕРИШ КЕРАК?

СУБСИДИЯ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ КЕРАК?

- жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами маълумотлари;
- оила аъзоларининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами маълумотлари ва никоҳ қайд этгиланги гувоҳномаси (тўйлик оила ва никоҳ ҳамда вояга ётган фарзандлар маъжуд бўлган тақдирда) ва (ёки) фарзандлар туғилнагиги ҳақидаги гувоҳномалар (вояга ётмаган фарзандлар маъжуд бўлган тақдирда)
- белгиланган тартибида никоҳ бекор қилинганини ҳақидаги гувоҳнома ёки никоҳ ҳақидаги эмас деб тан олинганини тўғрисида суд қарори (никоҳ қайд этгиланган ҳолатда) ёки оиласлик ҳолати тўғрисида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари архивидан маълумотнома нусхаси (никоҳ қайд этгиланган ҳолатда);
- доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда олинган жойидан кадастр рақами ва турига тегиси маълумотлар (агар турар жойи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи билан тўғри келса);
- доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда олинган жойидан уй дафтарининг ёки квартиralар бўйича карточканинг (17-шакл) нусхаси (агар турар жойи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган жойи билан тўғри келса);
- Ариза берувчи ва биргаликда қарз олувчиларнинг даромади ва ушлаб қолинган даромад солиқлашри тўғрисидаги маълумотнома (қўшимча даромадлар бўлса солиқ дектарациси).

АРИЗА ҚАЙСИ МУДДАТЛАРДА БЕРИЛАДИ?

Ариза берувчи томонидан ипотека кредитлари бўйича субсидия олиш учун ариза берishi муддати йилнинг 1 мартадан 1 октябригача этиб белгиланади.

Ушбу муддат тугагандан кейин тақдим этилган аризалар кўриб чиқилмайди.

СУБСИДИЯ ОЛИШДА БЕРИЛАДИГАН БАЛЛАР НИМАГА КЕРАК?

Субсидия — бу бўйича ариза топширган ҳар бир талаборга пул маблағи берилади, дегани эмас. Бунинг учун бир катор талаб ва ҳолатларга жавоб бериш лозим.

Субсидия берилishi учун, аввалимбор, маъсул органлар вакилларидан шакллантирилган маҳсус комиссия ариза берувчиларга мезонлар бўйича инобат олинган.

Субсидия ёки соҳта маълумотлар мавжуд бўлган шахслар инобат олинган.

Субсидия энг юқори балл тўллаганларга тартиб бўйича берилади.

КОМИССИЯ ҚАРОРИ НЕЧА ИШ КУНИДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ?

Комиссия талаборларни аниқлаш бўйича тақдим этилган ҳужжатлар, маъсул ташкилотларнинг баҳолаш натижаларини олган кундан бошлаб 7 иш куни ичидаги уларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини ўтганинг чиқади.

Комиссия тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида ҳамда ижтимоий мезонлар бўйича баҳолаш натижаларига кўра ариза берувчига ипотека кредитлари бўйича субсидия бериш ёки бериси ради этиш тўғрисида қарор қабул қиласиди.

ҚАНДАЙ ҲОЛЛАРДА СУБСИДИЯ ТўЛАШ РАД ЭТИЛИШИ МУМКИН?

- Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;
- тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар ижтимоий мезонларга мос келмаганда;
- тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки соҳта маълумотлар мавжуд бўлганда;
- ариза ва тегиши ҳуқоқатлар қабул қилишнинг охирги санаси тугагандан кейин тақдим этилганда;
- маъсул ташкилотлар хуласаларига асоссан жами 30 дан паст балл тўплаганда;
- илгари шаҳар ва қишлоқ жойларда арzon уй-жой куриш дастурлари доирасида имтиёзи ипотека кредитларидан фойдаланган холда квартира ёки якка тартибдаги уй-жой ҳамда субсидиялар олган оила аъзолари (эри, хотини) тақорорий мурожаат этганда;
- жорий йил учун ажратиладиган субсидиялар сони тугаганда;
- иштирок этувчи банк томонидан ариза берувчи фуқаро (биргаликда қарз олувчи) ажратиладиган ипотека кредити бўйича тўловга лаёқатсиз деб топилганди;
- ариза берувчидан кредит ташкилотларидан олдинги олинган кредитлар бўйича муддати ўтган чиқади.

Субсидия олиш жараёнда Давлат хизматларини марказлари фуқаролардан факатина ариза олип қолиб тайёр натижани тақдим этишига ваколатли. Қолган масалалар, яъни кимларга қанча миқдорда субсидия ажратилиши алоҳидан комиссия ҳал қиласиди. Бу ишга Давлат хизматлари маркази араплашмайди.

Субсидия бир оиласига (оила аъзоларининг биттасига) фақат 1 марта берилади.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА

Зайниддин ЖҮРАЕВ,

